



ТҮГРИДАН-ТҮГРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ДЕТЕРМИНАНТЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Обломурадов Нарзулло Наимович,
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тошкент молия институти
Email: n.oblomuradov@tfi.uz

Жумаев Акбар Махмудович,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Тошкент молия институти
Email: jumayev@tfi.uz

ECONOMETRIC MODELING OF DETERMINANTS OF FOREIGN DIRECT INVESTMENT

Narzullo Naimovich Oblomuradov,
Candidate of economic sciences, associate professor
Tashkent Institute of Finance
Email: n.oblomuradov@tfi.uz

Jumaev Akbar Makhmudovich,
Doctor of philosophy (PhD) in economic sciences, associate professor
Tashkent Institute of Finance
Email: jumayev@tfi.uz

JEL Classification:C52,E22

Аннотация: Мазкур мақолада
эконометрик моделлашириши
усулларини қўллаган ҳолда, тўғридан-
тўғри хорижий инвестицияларни жалб
қилишига таъсир этиувчи омиллар
(детерминантлар) республика бўйича кўп
омилли регрессия модели асосида тадқиқ
этилган. Бугунга қадар амалга оширилган
иљмий-тадқиқот ишларида тўғридан-
тўғри хорижий инвестицияларни жалб
қилишида кўплаб кўрсаткичлар,
жумладан, ялпи ички маҳсулот, аҳоли
даромадлари, валюта курси, инфляция
дараҷаси, экспорт ва бошқа омиллар
таҳлил қилиниб, иљмий хулосалар
шакллантирилган. Бизнинг тадқиқот
иши мизда, Ўзбекистон шароитида
тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни жалб қилишига таъсир
кўрсатиши нуқтаи назаридан Ялпи ички
маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиши суръати,
саноат ишлаб чиқаршии ва экспорт
ҳажмининг ўзгаришии, янги ташкил
этилган корхоналар кўрсаткичлари
тахлаб олиниб, ишончли статистик
маълумотлар тегишили эконометрик
моделга мувофиқ тадқиқ этилган ва
иљмий хулосалар шакллантирилган.

Abstract: This article investigates the
factors (determinants) affecting the
attraction of direct foreign investments in the
Republic based on a multivariate regression
model, employing econometric modeling
techniques. Previous scientific research has
analyzed numerous indicators for attracting
direct foreign investments, including Gross



Domestic Product (GDP), population incomes, exchange rates, inflation rates, exports, and other factors, forming scientific conclusions. In our research, from the perspective of attracting direct foreign investments in the context of Uzbekistan, the growth rate of Gross Domestic Product (GDP), changes in industrial production and export volumes, and indicators of newly established enterprises have been selected and examined with reliable statistical data according to an appropriate econometric model, and scientific conclusions have been formed.

Калим сўзлар: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, ялпи ички маҳсулот, саноат шилаб чиқарии, экспорт, эконометрик моделлаштириши, ЭКК усули, регрессия модели.

Keywords: direct foreign investments, Gross Domestic Product, industrial production, export, econometric modeling, OLS method, regression model

Кириш. Жаҳон иқтисодиётидаги глобал рақобат шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга қаратилган қулай инвестицион мухитни яратиш, инвесторлар хуқуқларини кафолатлаш ва инвестицияларни ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини таъминлаш мухим аҳамият касб этмоқда. Миллий иқтисодиётни барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва интенсив асосда ривожлантириш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва янги иш ўринларини яратиш юқори инвестицион фаолликни тақозо этади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 1991-2022 йилларда асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМга нисбати Хитойда 41,4 фоизни, Ҳиндистонда 32,3 фоизни, Кореяда 33,1 фоизни, Сингапурда

29,3 фоизни, Малайзия 28,3 фоизни, Туркияда 25,6 фоизни, Қозоғистонда 25,4 фоизни [1], ўрта даромадга эга бўлган мамлакатларда [2] эса 29,4 фоизни ташкил этиб, Ўзбекистонда ўртача 23,9 фоизга тенг бўлгани инвестицион мухитни тубдан яхшилаш, унинг жозибадорлигини ошириш, давлат-хусусий сектор шерикчилигига хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг барқарор ўсишига эришиш, “яшил иқтисодиёт”га ўтишга оид инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий механизмларини амалга оширишга устуворлик берилмоқда. “Ўзбекистон-2030” стратегиясига мувофиқ [3], «мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширилишида иқтисодиётда институционал ислоҳотларни изчил давом эттириш, давлат-хусусий шериклик ва “яшил иқтисодиёт” лойиҳаларини кенг жорий этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш заруратини белгилайди.

Материал ва метод. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиниши ва улар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар фаолиятининг турли жиҳатлари қатор чет эллик ва



мамлакат иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишининг назарий асосларининг шакллантирилишида Р.Вернон, С.Хаймер, Ч.П.Киндльбергер, Ф.Т.Книккербокер, Э.М.Грэм, П.Баккли, М.Кассон, М.Э.Портер, К.Кожима, Ж.Х.Даннинг [4] каби етакчи хориж олимларининг илмий ишларини таъкидлаш ўринли [5]. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари билан боғлиқ хусусиятларини ўрганишга қаратилган Х.П.Ланкес [6], К.Мейер, Д.Холланд, Р.Баррел [7], Л.Кркоска, Х.Томан, Н.Фабри, С.Зигни [8] илмий ишларини келтириш лозим.

Яқин хориж мамлакатлари олимларидан К.Козлов, Д.Манаенков, К.Юдаева, М.Верниковлар [9] илмий асарларида бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш хусусиятлари, А.Г.Аветисян [10], Т.Н.Мамедов [12], И.М.Драпкин, С.А.Лукъяновлар [11] тадқиқотларида инвестицион жозибадорлик омилларини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ички инвестициялар ва иқтисодий интеграциялашувга таъсири ҳамда Н.К.Беккалеева [13], С.Дадалко [14], А.Б.Отарбаева, А.А.Арупов [15] илмий тадқиқотларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таъсири очиб берилган.

Махаллий олимларнинг илмий ишларида хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишни рағбатлантириш ва самарали фойдаланиш масалаларига алохida эътибор қаратилмоқда. Хорижий инвестицияларни

жалб қилиш ва улар самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари А.Ўлмасов, А.В.Вахабов [17], Б.Б.Беркинов [16], Н.Х.Хайдаров, Ш.Ғ.Юлдашев [23], Н.Г.Каримов [20], Н.Р.Кузиева [21], Л.Р.Шаюсупова [22] ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Шу билан бирга, мавжуд тадқиқотларда асосий эътибор хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишга қаратилган бўлиб, шу жумладан, айrim тармоқлар, секторлар, иқтисодий жараёнлар ёки инвестицияларни молиялаштириш нуқтаи-назаридан таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради.

Мазкур тадқиқот ишида эконометрик моделлаштириш усуллари қўлланилган бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсир этувчи омиллар (детерминантлар) республика бўйича кўп омилли регрессия модели усуллари ёрдамида моделлаштирилган.

Бугунги кунга қадар амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда кўплаб кўрсаткичлар, жумладан, ялпи ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, валюта курси, инфляция даражаси, экспорт ва бошқа омиллар танлаб олинниб, ушбу омилларнинг таъсири юзасидан илмий хуласалар шакллантирилган.

Таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш омилларини эконометрик моделлаштиришга оид илмий-тадқиқот ишларининг сифати ва самарадорлиги кўп омилларга боғлиқ. Биринчидан, бундай моделлар сифатли ва ишончли статистик маълумотлар базасига асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Иккинчидан, эконометрик модел миллий иқтисодиётнинг хусусиятларини инобатга

олган ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Бизнинг тадқиқот ишимиизда, айнан Ўзбекистон иқтисодиёти шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши суръати, саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши, экспорт ҳажмининг ўзгариши ва янги ташкил этилган корхоналар сони кўрсаткичлари танлаб олинди. Мазкур гипотезамизни исботлаш учун ишончли маълумотлар асосида модел ишлаб чиқиб, унинг статистик аҳамиятлилигини аниқлаймиз.

ёки

$$\Delta Lny_t = \delta Lny_{t-1} + u_t \quad (1)$$

$$Lny_t = (1 + \delta)Lny_{t-1} + u_t \quad (2)$$

Агар бирлик илдиз тестида (кенгайтирилган Dickey-Fuller, Phillips-Perron) ўзгарувчиларининг стационар эмаслиги аниқланса, ўзгарувчи стационар ҳолга келгунга қадар d марта ҳосила олинади. Қисқа муддатли даврда ўзгарувчилар бир-биридан узоклашсада, узоқ муддатли даврда улар умумий мувозанатга эгаликлари туфайли коинтеграциаллашган бўлишлари мумкин.

Натижа. Ўзбекистон иқтисодиёти

Омил белгилар ва натижавий белги йиллар кесимидағи вақтли қатор (time series) маълумотлари бўлганлиги боис, таҳлилни уларнинг стационарлигини аниқлашдан бошлаймиз. Эконометрикада стационарликни асосан уч хил усулда текширилиши бир қанча ишларда келтирилган. Бунда, бирлик илдиз тести, Диккей Фуллер тести ишончли ҳисобланади.

Мазкур тест Диккей ва Фуллер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, (1) тенгликка асосланади ва “Бирлик илдиз тести” номи билан ишлатилади:

бўйича 2000-2022 йиллар кесимидағи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, экспорт ҳажмининг ўзгариши, саноат ишлаб чиқаришнинг ўзгариши ва янги ташкил этилган корхоналар сони бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, Жаҳон банки маълумотлари асосида жамланиб, стационарликка текширилди.

1-жадвал

2000-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида танлаб олинган кўрсаткичларнинг тасвирий статистикаси

Кўрсаткичлар	Куз.	ўртачаси	Ст.хатолик	Минимум	Максимум
Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар	23	2.82	1.81	.47	7.20
Ялпи ички маҳсулот ўзгариши	23	106.28	1.82	101.96	109.47
Экспорт ҳажми	23	22867.22	13027.36	5700.4	53460
Саноат ўзгариши	23	105.17	2.23	100.9	110.8
Янги ташкил этилган корхоналар сони	23	40724.34	27713.13	18201	102804

Түғридан-түғри хорижий инвестициялар таҳлил қилингандар оралиғида нобарқарор ўзгаришга эга бўлганлиги аниқланди, яъни асосий капиталга инвестицияларни молиялаштиришда ТТХИ улуши кескин ошганлигини қўриш мумкин. Шу билан

бирга, түғридан-түғри хорижий инвестицияларга таъсири нуқтаиназаридан тегишли омилларнинг характеристини уларнинг ушбу давр мобайнидаги тасвирий статистикаси ва тренд чизиғидан кузатиш мумкин.



Ялпи ички маҳсулотнинг ўзгариши ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши биринчи тартибли интеграллашган қатор бўлганлиги сабабли ушбу омилларни стационар, деб баҳолаймиз. Ўз навбатида, түғридан-түғри хорижий инвестициялар, экспорт ва янги ташкил этилган корхоналар динамикасида стационарлик иккинчи тартибли интеграллашган қаторда эканлиги намоён бўлмоқда.

Бирлик илдиз Диккей Фуллер тести қийматлари таҳлил қилинганда, түғридан-түғри хорижий инвестициялар қиймати - 2.56га тенг, эҳтимоллик қиймати эса 0.10 эканлигини қўриш мумкин. Ушбу ҳолда, назария бўйича эҳтимоллик қийматининг 0.05дан юқори бўлиши мазкур

кўрсаткичнинг ностационарлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб, мазкур ҳолатда АРДЛ ёки ВАР моделига қараганда энг кичик квадратлар методидан фойдаланган ҳолда модел ишончлиги Гаус Марков шартларига текширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бизнинг моделга киритилган экспорт ҳажмининг ўзгариши ва янги ташкил этилган корхоналар сони кўрсаткичлари логорифланиши тавсия қилинади, чунки қолган кўрсаткичлар фоизда берилган бўлиб, юқоридаги 2 та кўрсаткич эса микдорда ифодаланган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, мазкур тадқиқот ишимизда түғридан-түғри хорижий



инвестицияларни
моделлаштиришда
регрессион тенгламадан фойдаланамиз:

$$Y_{FDI} = \beta_0 + \beta_1 X_{GDP} + \beta_2 \ln X_{Export} + \beta_3 X_{industry} + \beta_4 \ln X_{NE}$$

Мазкур эконометрик моделнинг ишончлиги гетероскадастрилик бўйича Брош-Паган тести, автокорреляция бўйича Дурбин-Уотсин тести ва мултиколлениарликка текширилади.

Бизнинг тадқиқотимизда танланган эконометрик моделга мувофиқ, тегишли кўрсаткичлар бўйича 2000-2022 йиллар учун статистик маълумотлар STATA дастуридан фойдаланган ҳолда, қуйидаги натижалар олинди

2-жадвал

Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишини эконометрик моделлаштириш натижалари

Linear regression


FDI	Coef.	St.Err.	t-	p-	[95%	Interval]	Sig
			value	value	Conf		
GDP	.523	.185	2.83	.011	.134	.912	***
Lnexport	.127	.02	6.35	.004	0.07	.552	***
industry	.282	.091	3.09	.024	.031	.543	***
lnytk	2.691	.824	3.27	.004	.96	4.422	***
Constant	-52.442	18.178	-2.88	.01	-90.633	-14.251	***
Mean dependent var		2.828	SD dependent var		1.817		
R-squared		0.669	Number of obs		23		
F-test		9.094	Prob > F		0.000		
Akaike crit. (AIC)		76.286	Bayesian crit. (BIC)		81.964		

*** $p < .01$, ** $p < .05$, * $p < .1$

Жадвалдан кўриш мумкинки, мазкур моделга мувофиқ детерминация коэффициенти 0.66 га тенг бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишига таъсири жиҳатидан танлаб олинган кўрсаткичлар 67 фоизгача таъсир этишини ифодалайди. F test бош гипотезани рад қилишимиз учун ҳақиқий қийматнинг 9.094 га, эҳтимоллиги 0000

бўлиши етарлидир. 95 фоиз ишонч билан ушбу модел статистик ва иқтисодий аҳамиятга эга хисобланади.

Моделнинг мос қийматлари қолдиқлар билан ўзаро гомоскадастлилик шартини бажариши муҳимdir.



2-расм. Мос қийматлар билан қолдиқларнинг ўзаро боғлиқлиги

Бизнинг фикримизча, мазкур модельда гетероскадастлилик хусусияти мавжуд эмас. Чунки, юқоридаги расмдан,

қолдиқлар ва мос қийматлар ўзаро тарқоқ жойлашган.

Breusch-Pagan / Cook-Weisberg test for heteroskedasticity

Ho: Constant variance

Variables: fitted values of FDI

chi2(1) = 2.76

Prob > chi2 = 0.0969

3-расм. Брош Паган тести қийматлари

Гетероскадастлилик текшириш учун Брош Паган тести қийматидан фойдаланамиз, бунда эҳтимоллик қиймати 0.05 дан катталиги бош гипотезани қабул қилиш учун асос бўлади, моделнинг қолдиқ қийматлари ва мос қийматлари ўртасида умумий боғлиқлик мавжуд эмас.

Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни эконометрик моделлаштириш натижаларидан фойдаланиб, коэффициентларни қўлланган ҳолда модел куйидаги кўринишга келди:

$$Y_{FDI} = -52.442 + 0.52X_{GDP} + 0.12\ln X_{Export} + 0.28X_{Industry} + 2.69\ln X_{NE}$$



Кўриш кмумкинки, танлаб олинган барча кўрсатичлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг

Мазкур моделга мувофиқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзгаришига таъсир этувчи муҳим кўрсаткич янги ташкил этилган корхоналар ҳисобланиб, ушбу корхоналар сонининг бир фоизга ортиши тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,29 фоизга кўпайиши билан боғлиқлигини кўриш мумкин.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ички бозорнинг инвесторлар учун жозибадорлигини ифодалаб, унинг ҳажми ва ўсиш суръатлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатади. Бизнинг ҳолатда, ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизга ортиши тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,52 фоизга ўсишига хизмат қиласди.

Экспорт ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўзгариши ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсир кўрсатади. Мазкур моделга мувофиқ, экспорт ҳажми ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бир фоизга ортиши тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан мос равишда 0,12 ва 0,28 фоизга ортишига олиб келади.

Хуноса. Ўзбекистон иқтисодиётининг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш натижалари асосида куйидагилар илмий хуноса ва таклифлар шакллантирилди:

ўзгаришига тўғри чизиқли боғлиқ бўлиб, натижавий белгининг ўзгаришига таъсир этувчи омил ҳисобланади.

1. Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилиши, энг аввало, бизнес ва инвестицион фаоллик даражасига боғлиқ бўлиб, янги ташкил этилган корхоналар динамикасида акс этмоқда. Янги ташкил этилган корхоналарнинг қўшимча иш ўринлари яратиш, инновацион бизнес ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш ва қўшимча инвестиция маблағларини ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Инвестицион муҳитни яхшилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва инвестицион фаолиятни рағбатлантириш, жумладан, бизнес ва инвестицион фаолият билан боғлиқ маъмурий ва регулятив барьерларни бартараф этиш, инвестицион фаолиятни кўллаб қувватлашнинг молия-кредит механизмларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Ички бозорнинг жозибадорлиги (ЯИМ ўсиш суръати), саноат ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмининг ўсиши миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга ижобий таъсир этиши аниқланди.

Ҳудудларда қўшилган қиймат занжири таҳлили асосида экспорт бозорларига йўналтирилган, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланди <https://data.worldbank.org>.
2. Жаҳон банки классификацияси бўйича ўрта даромадли мамлакатлар қаторига ахоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий даромаднинг миқдори 1136 АҚШ долларидан 13845 АҚШ долларгача бўлган мамлакатлар киритилади, <http://www.worldbank.org/en/country/mic/overview>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030 Стратегияси тўғрисида”ти Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
4. Vernon R. International trade and international investment in the product cycle // The quarterly journal of economics. – Harvard, 1966. – Volume 83. No.1. – pp. 190-207;
5. Moran T.H. Foreign direct investment and development: the new policy agenda for developing countries and economies in transition. – Washington: Institute of international economics, 1998. – 191 pages.
6. Lankes H.P., Venables A.J. Foreign direct investment in economic transition: the changing pattern of investments // The economics of transition. - London, 1996. – Volume 4, No. 2. - pp. 331–347;
7. Barrel R., Holland D. Foreign direct investment and enterprise restructuring in Central Europe // The economics of transition. – London, 2000. – Volume 8, No. 2. – pp. 477-504.
8. Kozlov K., Manaenkov D. Firms with foreign participation and their influence on export activity in Russia: firm-level panel evidence. – Moscow: New economic school working paper, 2000. – 40 p.;
9. Верников А.В. Оценка масштабов присутствия иностранных банков // Деньги и кредит. – Москва, 2002. - №1. – С.25-30.
10. Аветисян А.Г. Инвестиционная привлекательность страны: анализ основных факторов. Финансы: теория и практика/Finance: Theory and Practice. 2020;24(4):58-74.
11. Драпкин И.М., Лукьянов С.А., Бокова А.А. Влияние прямых иностранных инвестиций на внутренние инвестиции в российской экономике. Вопросы экономики. 2020;(5):69-85.,
12. Т.Н.Мамедов, Влияние прямых иностранных инвестиций на развитие экономического сотрудничества стран СНГ, Монография, М.:2021.
13. Н.К.Беккалеева, Иностранные инвестиции в системе обеспечения экономической безопасности страны Цифровая наука, 2020, №5,
14. С.Дадалко, Привлечение иностранных инвестиций в контексте национальной безопасности. Банкаўскі вестнік, Ліпень 2013, №16,
15. А.Б.Отарбаева, А.А.Арупов, Анализ влияния прямых иностранных инвестиций на развитие нефтегазовой отрасли Казахстана, Алматы, 2020.
16. Беркинов Б.Б. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар самарадорлиги// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. №5, 2015 й.;
17. Ўлмасов А., Вахобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 480 б.;



18. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия, 2010. – 324 б.;
19. Валиев Б.Б. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: Иқт. фан. доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2017. – 46 б.;
20. Каримов Н.Г. Иктиносидий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: Иқт. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2007. – 40 б.;
21. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари: Иқт. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2008. – 38 б.
22. Шаюсупова Л.Р. Привлечение иностранных инвестиций в развитие телекоммуникационной сферы Республики Узбекистан: Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. экон. наук. – Ташкент: 2001. – 26 с.;
23. Юлдашев Ш.Ф. Иностранные инвестиции как фактор экономического роста и либерализации национального воспроизводства Республики Узбекистан: Автореферат диссертации на соискание ученой степени докт. экон. наук. – Ташкент: 2001. – 37 с.